

**«Наврӯз деҳқон бозори» АЖ Кузатув Кенгашининг
мажлиси баёни**

2026 йил 31 март

Тошкент ш.

Мажлисида қатнашган кенгаш аъзолари:

К.Расулов - “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК бош директори
ўринбосари, Кузатув кенгаши раиси.

А.Раззақов – “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК бош директори

А.А.Акрамов – “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК
етакчи мутахассиси

Т.Иброхимов – “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК бўлим
бошлиғи

Т.Камолов – Акциядор

*Мажлисида жами 5 кузатув кенгаши аъзосидан 5 таси (100%) қатнашмоқда,
мажлиси ўтказилиши ҳуқуқига эга.*

Таклиф этилганлар:

О.Машарипов - Жамият директори.

Х.Олимов - Жамият бош ҳисобчиси.

Д.Шоназаров- Жамият қимматли қоғозлар мутахассиси.

Мажлисни жамият кузатув кенгаши раиси К.Расулов олиб борди.

Мажлис кун тартиби:

- 1. Жамият директори О.Машариповнинг аризасини кўриб чиқиш.*
- 2. Жамият ижроия органига раҳбар тайинлаш ҳақида.*

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича кузатув кенгаши раиси К.Расулов сўзга чиқиб, жамият директори Ш.Машарипов 2026 йил 31 мартда Кузатув кенгашига ариза билан мурожаат этиб, 2026 йил 31 мартдан эгаллаб турган лавозимидан озод этишни сураганлигини билдирди ва кенгаш аъзоларидан мазкур масала бўйича муносабат билдиришларини сўради.

Кузатув кенгаши аъзолари, мазкур масалани кўриб чиқишди ва жамият директорининг аризасини қаноатлантириш ва уни 2026 йил 31 мартдан эгаллаб турган лавозимидан озод этилишини маъқуллашди.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича Кенгаш раиси К.Расулов сўзга чиқиб, жамият директорининг лавозимидан озод этилиши муносабат билан жамият ижроия органига директор тайинлаш лозимлигини билдирди ҳамда соҳа бўйича тажрибага эга бўлган, бугунги кунда “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖда директор ўринбосари лавозимида ишлаётган Тургунов Ёркин Фахриддин ўгли номзоди жамият ижроия органи раҳбари лавозимига таклиф этилганлигини маълум қилди.

Кенгаш аъзолари ушбу номзоднинг меҳнат фаолияти билан танишиб чиқишиб, Тургунов Ёркин Фахриддин ўглини 2026 йил 1 апрелдан жамият директори вазифасини бажарувчи этиб тайинланишини маъқуллашди.

Муҳокама этилган масалалар бўйича овоз бериш натижаси:
Розилар «5 овоз», Каршилар «йўк», Бетарафлар «йўк».
Юқоридагиларни инобатга олиб Кузатув кенгаши

ҚАРОР ҚИЛДИ


1. Жамият директори О.Машарипов аризасига кўра 2026 йил 31 мартдан эгаллаб турган лавозимидан озод этилсин.
2. Тургунов Ёркин Фахриддин ўғли 2026 йил 1 апрелдан жамият директори вазифасини бажарувчи этиб тайинлансин;
3. Ё.Тургуновга жамият ишини Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли қарорига асосан юритиш вазифаси юклатилсин.

Мажлис раиси:



К.Р.Расулов

Мажлисида қатнашган Кенгаш аъзолари:



А.А.Раззақов



Т.С.Иброхимов



А.А.Акрамов



Т.Камолов